

9-10-2019

MODERN PEDAGOGICAL REQUIREMENTS APPLICABLE TO THE CONTENT OF PROFESSIONAL EDUCATION

Хаёт Шарипович Кадиров

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Педагогика ва психология факультети декани PhD, доцент

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Кадиров, Хаёт Шарипович (2019) "MODERN PEDAGOGICAL REQUIREMENTS APPLICABLE TO THE CONTENT OF PROFESSIONAL EDUCATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 85.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/85>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

MODERN PEDAGOGICAL REQUIREMENTS APPLICABLE TO THE CONTENT OF PROFESSIONAL EDUCATION

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

КАСБИЙ ТАЪЛИМ МАЗМУНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР

Кадиров Хаёт Шарипович

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Педагогика ва психология факультети декани PhD, доцент

kadirov.khaet@mail.ru

(90)992-00-15

Аннотация: Ушбу мақолада касбий таълим мазмунининг ўзига хос хусусиятлари, дидактик аҳамияти ёритилган. Касб таълими мазмунига қўйиладиган замонавий педагогик талаблар очиб берилган. Ушбу йўналишда юртимиз ва хорижда олиб борилаётган илмий-методик тадқиқотларга таҳлилий муносабат билдирилган, педагогик тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: таълим мақсади, таълим мазмуни, касбий таълим мазмуни, касбий фаолият, интеграция, инновацион ёндашув.

СОВРЕМЕННЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТРЕБОВАНИЯ ПРИМЕНИМЫЕ К СОДЕРЖАНИЮ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация: В данной статье освещены особенности, дидактическое значение содержания профессионального образования. Выявлены современные педагогические требования к содержанию профессионального образования. В этом направлении выдвигаются аналитические подходы к научно-методическим исследованиям, проводимым в стране и за рубежом, педагогические рекомендации.

Ключевые слова: цели обучения, содержание образования, содержание профессионального образования, профессиональная деятельность, интеграция, инновационный подход.

MODERN PEDAGOGICAL REQUIREMENTS APPLICABLE TO THE CONTENT OF PROFESSIONAL EDUCATION

Abstract: This article highlights the features and didactic significance of the content of professional education. The modern pedagogical requirements for the content of vocational education are identified. In this direction, analytical approaches to scientific and methodological research conducted in the country and abroad, pedagogical recommendations are put forward.

Keywords: learning objectives, educational content, professional education content, professional activities, integration, innovative approach.

Сўнги даврда юртимизда таълим тизимининг барча босқичлари ва йўналишларида сифат ва самарадорликни ошириш юзасидан бир қатор салмоқли ислохотлар амалга оширилмоқда, бу борадаги мавжуд муаммоларга муносиб ечим топишмоқда. Чунончи, таълим соҳасини ахборотлаштириш, замонавий ахборот технологиялари соҳасида ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, ўқитувчиларнинг замонавий

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш малакасини ривожлантиришга доир аниқ мақсадли ва тизимли ишлар йўлга қўйилди. Таълим мазмуни ҳамда унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки компетенциявий ёндашув, умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи – ижодий фаолият тажрибаси, ижтимоий фаоллик, теварак-атрофга муносабатларни киритиш масалалари ҳам босқичма босқич ҳал қилиб борилмоқда.

Маълумки, касбий фаолиятнинг таълим мазмунини белгиловчи сифатлари ўқитувчининг ижодкорлигида намоён бўлади. Ижодкорлик – бу сифат жиҳатидан янги, оригинал ва такрорланмас бирор янгиликни пайдо қилувчи фаолиятдир. Маҳсулдор ижодкорликда белгиланган қар қандай муаммо муваффақиятли қал қилинади; ижод қилишга лаёқатли бўлган ўқитувчиларнинг асосий қисмида бу жиҳатлар намоён бўлади. Эвристик ижодкорлик, жамиятда рўй бераётган касбий фаолиятга оид янгиликларни дадил ўзлаштириш ва тарғиб қилишни англатади, яъни унинг асосида ғоялар ҳосил қилиш жараёнини интенсификация қилиш ва уларнинг ҳақиқатга яқинлигини (эҳтимоллигини, ишончлилигини) изчил амалга ошириш ва бунда янги ҳолатда дадил ҳаракат қилиш қобилияти, фикрлаш жараёни асосида тафаккурни ривожлантириш кузатилади.

Таълим мазмунининг ўзига хос хусусиятларидан бири тарбиянинг технологиявийлиги ҳам ҳисобланади. Бунда тарбиялашга йўналтирилган илмий муаммо сифатида ўқувчиларда ахлоқий сифатларни шакллантириш ва ривожлантириш учун лозим бўлган ва комил инсонга хос барча инсоний фазилатларни муайян шарт-шароитларда узлуксиз тарбиялаш асосида такомиллаштиришни назарда тутилади.

Таълим мазмунида фанлараро ва мавзулараро интеграция ҳам муҳим ўрин тутади. Аммо таълим мазмунини фақат бир предмет бўйича тузилмалаштиришда зарурий интеграция рўй бермайди, чунки амалий фаолиятда талабалар тўлақонли операцион комплексларни ўзлаштирадиган аниқ ишлар йўқ. Интеграциялаш вазифаси талабаларнинг педагогик амалиётни ўташ жараёнида ҳам ҳал этилмайди. Бунга сабаб уларнинг назарий билимларни муайян вазифаларни ҳал қилиш воситаси сифатида қўллай олмаслиги ва хусусий билим ҳамда кўникмаларни операцион комплексларга синтез қилиш борасида тажрибаси етарли бўлмайди. Натижада биз самарали педагогик фаолият кўрсатишга тайёр мутахассисга эга эмас, балки фақат фаолиятни ўзлаштиришга тайёрланган битирувчига эга бўламиз, холос. Шунинг учун таълим мазмуни ва уни тузилмалаштириш усулини ўзгартирмасдан туриб, шахсга йўналтирилган таълим тизимларини яратиш борасида қилинган ҳаракатлар бирор ижобий натижага олиб келмайди.

Илм-фан, техника ривожини таълим мазмунига ҳам таъсир этади, уни янгилаш, ўзгартириш заруратлари юзага келади. Шу боис таълимнинг янгича мазмунини шакллантириш муаммоси ватанимиз ва хорижий олимлар томонидан мунтазам ўрганилиб ва тадқиқ этиб борилади. Жумладан, А.Р.Атутов, Э.А.Гришин, Ю.К.Васильев, В.А.Крутецкий, Н.В.Кузьмина, Л.М.Митиналарнинг ишларида педагогик маҳоратни шакллантириш борасидаги ғоялар, А.Абульханова, Славская,

М.Т.Давлетшин, С.Л.Рубинштейн, Ғ.Б.Шоумаровларнинг шахснинг шаклланиши ва унинг моҳиятини очиб берувчи психологик назариялар, В.А.Сластенин, Л.С.Подымова, В.С.Лазарев, А.А.Греков, В.В.Егоров, Л.В.Левчук, В.С.Леднев, А.И.Мищенко, Л.И.Мищенко, Е.Н.Шиянов, Н.Н.Азизхўжаева, У.Маҳкамов, С.Нишонова, М.Очилов ва бошқа шу каби қатор олимларнинг илмий ишларида янги педагогик таълим мазмунини шакллантиришнинг асослари изланган.

Кўп педагог олимлар ўз ишларини талабаларни умуммаданий ривожлантириш ва касбий фаолиятга тайёрлаш муаммосини ёритган. Хусусан, В.А.Сластенин ва Л.С.Подымованинг илмий ишларида талабаларни таълим муассасаларида инновацион фаолиятга махсус тайёрлаш муаммоси ишлаб чиқилган. Бугунги кунда бундай тайёргарлик зарурлигини инкор қилиб бўлмайди, демак, таълим мазмунини белгилашда ишни педагогик фаолият мазмунини ўзгартиришдан бошламаслик лозим.

В.С.Ледневдан кейин Л.И.Мищенко педагогик таълим мазмунини шакллантиришнинг назарий асосларига бағишланган фундаментал тадқиқотида функционал тўлиқлик тамойилини киритади ва уни энг муҳим тамойил сифатида кўриб чиқади. Муаллифни қўллаб-қувватлаган ҳолда, таъкидлаб ўтишни истардикки, бу ерда фақат нисбий тўлиқлик ҳақида гапириш мумкин. Талабани инновацион фаолиятга тайёрлаш вазифаларига эътибор қаратмаслик таълим мазмунининг функционал тўлиқсизлигига олиб келади. Шунингдек, таълимнинг бошқа муҳим вазифалари назардан четда қоладиган бўлса, тегишли мазмунни танлаш ва ўқув жараёнига киритиш ҳам функционал тўлиқликни таъминламайди.

В.С.Лазарев ва Н.В.Коноплянининг педагогик таълим мақсадларини лойиҳалаш асосида ёндашувида кўзда тутилишича, педагогика олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия натижасида битирувчиларда педагогик, инновацион, жамоавий ўзини ўзи бошқариш ва шахсий камол топиш қобилиятлари шакллантирилиши лозим. Бундай фаолиятларнинг ҳар бирида муайян аниқ вазифалар ҳал этилиши, демак, уларга мос хатти-ҳаракатлар амалга оширилиши лозим.

Педагогик таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммоси таълим изчилигини таъминлаш истиқболи билан боғлиқ. Касб таълими ўқитувчиси таълимнинг мазмуни қуйидаги тамойиллар асосида шаклланади:

шахсий-фаолиятвий ёндашув;

касбий мақсадга мувофиқлик;

устувор технологияларга таянган ҳолда таълим мазмунинг касбий йўналганлигини таъминлаш;

таълимни гуманитарлаштириш;

муҳандислик ва педагогик билимларни интеграциялаш;

таълим мазмунининг муҳандислик-педагогик фаолият характери ва мазмунига мос келиши.

Шу ўринда касб таълими ўқитувчиси томонидан бажариладиган фаолият турлари орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиш мумкин: ҳам назарий, ҳам амалий ўқитиш орқали касбга ўргатиш; ўқув ишлаб чиқариш, амалиёт ёки

ишлаб чиқариш жараёнида, ўқишдан ташқари пайтлардаги тарбия ишлари; педагоглар ва талабалар жамоасидаги, талабалар турар жойларидаги жамоатчилик ишлари; талабаларнинг меҳнатини ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқариш технологик фаолияти; талабаларнинг ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил қилиш бўйича маркетинг ва тадбиркорлик фаолияти; ўқув гуруҳининг иш режимини таъминлаш; малакаси ва билим даражасини ошириш; талабаларни касбга йўналтириш; тадқиқотчилик характеридаги тажриба-синов ишлари.


Бундай катта ҳажмдаги ва ранг-ба

ранг ишларни бажариш учун касб таълими ўқитувчисидан турли фан цикллари бўйича муайян билим, кўникма ва малака, касбий муҳим сифатлар талаб қилинади. Шу сабабли замонавий касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш жараёни мураккаб илмий-амалий муаммо саналади: унинг таркибий қисмлари умумкасбий, ишлаб чиқариш, ахборот излаш, топиш, жамлаш, ҳар бир тор ихтисослик бўйича махсус муҳандислик, услубий ва тадбиркорлик фаолиятларидан иборат. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, касб таълими мазмуни ва уни ташкил қилиш масаласи борасида турли мулоҳазалар мавжуд. Ушбу муаммо бўйича нисбатан нуқтаи назарлар ҳар хил бўлиб, баъзида уларнинг бири бошқасини инкор қилади. Касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш ва унинг фаолиятида устувор аҳамиятга эга таркибий қисм (муҳандислик ёки педагогик фаолият) масаласи ҳамisha турли мунозараларга сабаб бўлган. Бу борада турли ёндашув ва концепциялар мавжудлиги назарий ва амалий жиҳатдан муҳанислик ва педагогик фаолият таркибий қисмларининг хилма-хиллиги билан асосланади.

Касбий тайёргарлик мазмунини ишлаб чиқишда касбий фаолиятга ўргатиш бирламчи масала саналади. Шу сабаб масалалар, топшириқлар ва машқлар комплексини ишлаб чиқиш биринчи ўринга қўйилади. Олиб борилган илмий тадқиқотларининг натижаларини таҳлил этиш асосида ва касб таълими Давлат таълим стандартларига, жамиятни ахборотлаштириш талаблари ва малакавий тавсифномасига таяниб, касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш тузилмасини қуйидагича белгилаш мумкин:

1-расм

Касб таълими ўқитувчисининг тайёргарлиги тузилмаси



Ўқитиш шаклидан қатъи назар, ҳар бир блок мазмуни жиддий ўзгаришларга дуч келиши мумкин. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг барча блоклари интегратив характерга эга бўлиб, бунда мутахассиснинг касбий функционал вазифаси тизим ҳосил қилувчи омил ҳисобланади.

Ижтимоий-гуманитар тайёргарлик ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишга қизиқиш ўйғотиш ва тўлақонли дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилади; у касб таълими ўқитувчисининг умуммаданий даражасини ошириб, фуқаролик тарбиясининг зарурий даражасини таъминлаши лозим.

Математик ва табиий-илмий блокнинг вазифаси бўлжак мутахассисга касбий фаолият соҳасига оид фундаментал билим беришдан иборат. Математик ва табиий-илмий тайёргарликни кучайтириш ҳодиса ва далиланинг ўзаро алоқалари ва қонуниятларини тушунишни таъминлайди, фанлараро билимларни шакллантириш қобилиятини ривожлантиради.

Психологик-педагогик тайёргарлик фаол характерга эга бўлиб, зарур амалий кўникма ва малакалар даражасини белгилаб беради. Ахборот технологиялари ҳамда инсонни оғир жисмоний ва ақлий меҳнатдан халос этувчи янги техник воситаларнинг яратилиши таълим мазмунини ўзгартириш, жумладан, ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали ўзгартириш олиб келди.

Ҳозирги пайтда таълимни замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ерда гап нафақат универсал дастурлар (матн муҳаррирлари, ахборот олиш ва қайта ишлаш дастурлари)ни амалий ўзлаштириш усуллари, балки турли даражадаги тармоқларда ахборот айирбошлаш имкониятларини кенгайтириш ҳақида ҳам бормоқда.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ва таҳлилий манбаларга асосан, касб таълими йўналишида кадрлар тайёрлашда таълим мақсадларига эришишда олий таълим

тизими учун умумий бўлган ўқитиш мазмуни ва уни ташкил қилишнинг янги тамойилларини куйидагича белгилаш мумкин:

- таълим мазмунининг мослашувчанлиги ва вариативлиги;
- оддинги таълим босқичларига нисбатан изчиллик ва ўқитиш жараёнларига таълим манбаларини киритиш;
- қадриятлар ва маданият, ахлоқ, одоб меъёрлари аҳамиятининг устуворлиги;
- давлат, жамият, фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш тамойилларидан фойдаланилади.

Шунингдек, касб таълими ўқитувчисини тайёрлашнинг ҳамда унинг доирасида кечадиган жараён ва ҳодисаларнинг кўп ўлчамлилик ва кўп босқичлилик характери касбий шаклланиш вазиятида инсон фаолиятини имкон қадар тўлароқ ўрганиш учун турли илғор инновацион методларни қўллашни тақозо этади. Ҳозирги пайтда касбий педагогика фанида, шунингдек, унга ёндош бошқа соҳаларда (муҳандислик психологияси, психотехника ва ҳ.к.) турли-туман технологиялардан фойдаланиш имконлари кенг бўлиб, бу борада кейинги тадқиқотларда махсус тўхталиб ўтамиз.

References:

1. Xoliqov A. Pedagogik mahorat. – T., 2011.
2. Qosimov SH. Kasb-hunar kollejlarda amaliy kasbiy ta'limni tashkil etishning ilmiy-pedagogik asoslari. – T: "Fan va texnologiya", 2014.
3. Hakimova M. Kasb pedagogikasi. //O'quv qo'llanma. – T. TDIU, 2007.
4. Slastenin V.A., Isaev I.F., SHiyonov E.N. Pedagogika: Ucheb. Posobie dlya stud. vissh. ped. ucheb. zavedeniy – M.: 2002.
5. Slastenin V.A., Podimova L.S. Pedagogika: innovatsionnaya deyatelnost - M.: 1997.
6. Xutorskoy A.V. Pedagogicheskaya innovatika: metodologiya, teoriya, praktika – M.: 2005.